

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОНИЯДА ТИЛ ТАДҚИҚОТИ



Абдурахим НАСИРОВ

Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва
ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси
бошлиғи.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
мустақил изланувчиси

ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАГИ ПРОВЕРБИАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР

Ҳар бир тилда, шу жумладан, мақола муаллифи ўрганаётган француз, ўзбек ва рус тилларида бир-бирига ўхшаш – умуммиллий ва фақатгина бир тилнинг ўзига хос миллий иборалар ёки провербиал фразеологизмлар мавжуд. Улар орқали ушбу миллатнинг характери, яшаш тарзи, урф-одатлари намоён бўлади. Тилда сўз этимологияси билан иборалар этимологияси бир-бирдан фарқ қилади. Мақолада айрим провербиал фразеологизмларнинг келиб чиқиш тарихи, уларнинг уч тилдаги қиёси ва у орқали французлар, ўзбеклар ҳамда русларга хос бўлган миллий-маданий хусусиятлар ёритилган.

Во французском, узбекском и русском языках встречается множество фразеологизмов, которые имеют одинаковый смысл (интернациональные), а также относящиеся только к одному языку (национальные). Употребление последних ярко отражает облик, характер, условия жизни, обычаи и традиции народов. В языке этимология слов отличается от этимологии фразеологических единиц. В настоящей статье даётся этимология некоторых провербиальных фразеологизмов, сопоставление их в трех языках.

There are a lot of phraseologisms in French,Uzbek and Russian languages that have the same meaning (international) and also there are phraseologisms that related only to one language (national) and by their participation brightly expressed the image, manner, lifestyle, customs and traditions of people. In the language the etymology of words differ from the etymology of phraseological units. In this article the etymology of some phraseologisms, comparing in 3 languages are given and by the analysis of proverbial phraseological units reflects national-cultural peculiarities of French,Uzbek and Russian people.

Калит сўзлар: фразеологизм, фразеологик бирликлар, провербиал фразеологизмлар, миллий ва умуммиллий хусусиятлар, иборалар этимологияси, француз, ўзбек ва русларнинг миллий-маданий хусусиятлари.

Ключевые слова: фразеологизм, фразеологические единицы, провербиальные фразеологизмы, этимология фразеологических единиц, национально-культурные особенности французов, узбеков и русских.

Key words: phraseologisms, phraseological unit, proverbial phraseological units, etymology of phraseological units, national-cultural peculiarities of French, Uzbek and Russian people.

Дунёда кўпгина миллатларнинг ўзига хослигини ифодоловчи иборалар мавжуд. Масалан, французлар хақида “устаси фаранг”ифодаси қўлланилса, немислархақида сўз кетганда, “немисча ҳисоб-китоб” эсга олигади ёки юксак заковат, тиниб-тинчимаслик хусусияти кўпроқ японларга хос эканлиги таъкидланади. Юнонларнинг “дунёдаги жамики одамларни юнонлар ва юнон бўлишни истовчилар”га ажратиши асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда.

Инсон қанча кўп тилни билмасин, бу тилларнинг хусусиятларини бир-бирига қиёслаб ўрганмасин, унинг учун энг мукамал ва қадрдон тили битта, бу – она тилидир. Бошқа ҳар қандай тилни у она тили воситасида ўрганади. Бир неча тилни билиш эса бир қулфга тушадиган бир неча калитни топиш билан баробар.

Бугунга келиб чет тилларни мукамал билиш давлат ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда, айниқса, халқаро аренада ўз овози ва ўрнига эга бўлиб бораётган ёшларимиз учун чет тилини бутун жозибаси, сир-асрори билан ўрганиш заруратга айланиб қолди. Бу талаблар янги-янги тадқиқотларни талаб этади. Шулардан бири – филологик йўналишда қиёсий-типологик, этимологик изланишлардир.

“Этимология” сўзларнинг ва фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганар экан, сўз этимологияси билан фразеологик бирликлар¹ этимологияси ўртасида катта фарқ борлигини кузатамиз. Бирор сўзнинг келиб чиқиш тарихи билан, ФБнинг яратилиш тарихи бир-бирига мос келмайди, чунки ФБлар сўзга нисбатан мураккаброқ семантик тузилишга эгадир. Масалан, французларда “**Vin**” – **вино**- сўзи лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, қўрқинч маъносини ҳам беради, “*vin cuit*”, мяъни куйдирилган вино атамаси эса, 1538 йили, “*vin doux*” – ширин вино атамаси 1564 йили ушбу хилдаги винолар ихтиро қилиниши билан француз тилига кириб келган. “**Quand le vin est tiré, il faut le boire**” (2, Б.794) ПФи эса тамомила кўчма маънони англатиб,

¹ Мақоланинг кейинги саҳифаларида ФБ шаклида берилади.

бошланган ишни якунлаш керак, деган маънода ишлатилади. Сўзма-сўз *Вино қуйилдими, уни ичиш керак*, – деб таржима қилиш мумкин (2, Б.794).

“**Raisin**”–узум сўзи француз тилига XIII аср охирларида лотин тилидан ўзлашган, “*Racimus*”, “*class racemus*” – бир бош узум (1, Б. 628). **Trouver les raisins trops verts** – узумни ҳали жуда хом деб ҳисоблаш ёки кўчма маънода “ўзи етолмаган нарсага пуф-сассиқ дейиш” мазмунини ифодалайди. Мазкур иборанинг яратилиш тарихи Лафонтеннинг “Тулки билан узум” масалига бориб туташади. Унга кўра, оч тулки баланд шохда осилиб турган узумни кўради, ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам етолмайди ва *Ils sont tros verts* – *улар жуда хом экан*, дейди(3).

ФБлар этимологияси, ушбу бирликнинг пайдо бўлиш манбаини ва тарихини шарҳлаш, фразеологизм ва уларнинг вариантлари, шунингдек, синонимлари орасидаги генетик боғлиқликни ўрганади. «Баъзи ҳолларда этимологик таҳлил маълум бир иборанинг яратилган жойи, агар иқтибос бўлса муаллифини аниқлаш муҳитини юзага келтириши мумкин» дейди В.Пизани ўзининг этимологик таҳлил муаммоларига бағишланган асарида(4).

Баъзи мақоллар орқали муайян маънода миллатнинг характери ҳам акс этирилади. Французлар: *Il faut compter sept fous avant de couper*; ўзбеклар: *Етти ўлчаб бир кес* ва руслар: *Семь раз отмерь, один раз отрежь*, яъни етти ўлчаб бир кес, дея муайян вазиятга баҳо берсалар, инглизлар: икки ўлчаб бир кес – *Measure twice cut once*, – дейдилар. Шунинг ўзиёқ француз, ўзбек ва русларнинг мақол доирасида ўхшаш жиҳатларни кўрсатса, инглизлар билан фарқли томонларни, ҳар бир миллат фаолиятидаги ўзига хосликни намоён қилади.

Франция ноёб маданият ва нафис санъат мамлакати, бадиий адабиёти ривожланган, буюк ёзувчи ва шоирларни етказиб берган юртдир. Биз ўзбеклар бошқа халқлар қатори машҳур француз адибларининг олтин меросини, нодир асарларини ўқиб, ўрганиб маънавий озика оламиз. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Ўзбеклар ва французларни эзгулик, меҳмондўстлик, қувноқлик, тинчлик ва фаравонликка интилиш каби муштарак миллий хусусиятлар яқинлаштиради”(1).

Французларнинг характери, ташқи қиёфаси, ўзгалар билан муносабати, ички ва ташқи дунёси каби хислатлари кўчма маънода ҳайвонлар номларига боғланиб, қайсидир жиҳатларини ўхшатиш орқали таърифланади. Қуйидаги ташбеҳли ибораларда французларга хос миллий-маданий хусусиятлар намоён бўлади: *Le francais dort comme un lion, a une faim de loup, un oeil de lynx, une vie*

de chien. *Pour être toujours prêt a se faire aussi gros qu'un boeuf ou a passer par un trou de souris, il lui faut être rusé comme un renard. Quoique l'amour, dont il fait souvent son cheval de bataille, le rendre gai comme un pinson et léger comme une plume, il n'aime pas faire le pied de grue et rester comme l'oiseau sur la branche. Si donc on lui pose trop de lapins, surtout par un froid de canard, il aura vite la puce a l'oreille et – (...) n'hésitera pas a prendre le taureau par les cornes (.....). Il en tombera peut être malade comme un chien, au points d'en avoir une fièvre de cheval, mais il saura rester, sur ses mésaventures, muet comme une carpe car, s'il est parfois bavard comme une pie, il sait aussi mettre un boeuf sur sa langue, avouer que c'est un drole de zebre.*

Рус файласуфи А.Кармин (5, Б.263–265) французлар бирор ишни бошлашдан олдин обдон ўйлаб, режа, дастур тузади, кодекс, мўлжални олдиндан режалаштиради, кейин ишни бошлайди, деб ёзади. Француз адибларининг асарларида мотивларни англаш, таҳлил қилиш юқори туради. Француз ёзувчиларида ички ҳиссиётни тасвирлаш устунлик қилади, севги-мухаббат, “севги фани” француз адабиётининг меваси ҳисобланади.

Французлар тўғрисида инглизлар: “Les français sont plus sage qu'il ne semble” – *Французлар кўринишларига қараганда анча ақлли, деб айтадилар.* Италиялар эса “Il n'y a rien de mieux que ce que les français font bien et rien de pire que ce qu'ils font mal” – *Французлар яхшилик қилса ундан аълоси йўқ, ёмонлик қилса ундан бадтари йўқ,* дер эканлар. Француз тилида мўйловсиз бўса пишлоқсиз таом деган ибора мавжуд, яъни: *Baiser sans moustache - repas sans fromage.* Ушбу ибора фақат французларгагина хос. Рус тилида “Поцелуй без усы – обед без сыра” деган ибора йўқ. Чунки французлардаги бу ибора – ушбу миллат одамларининг ҳар бир таом билан пишлоқ истеъмол қилиши ҳамда Францияда 300дан ортиқ пишлоқ турининг мавжудлиги кабилар билан боғлиқ бўлган миллий ўзига хосликка эга бўлган провербиал фразеологизм² ҳисобланади. Юқорида қайд этганимиздек, бундай ибораларнинг муқобиллари бўлмайди, фақатгина сўзма-сўз таржима ёки шарҳ бериш орқали ифодаланади. Ушбу мисолда стилистик окказионал трансформация ҳодисасини ҳам кузатиш мумкин. *Voila, dis-je, un dimanche sans viatique, pour moi, c'est comme-il leva la main. Pas de comparaisons profanes surtout dit-il. Peut être pensait -il, au baiser sans moustaches ou rosbif sans moutarde. S.Beskett.*

² Мақоланинг кейинги саҳифаларида ПБ шаклида бериллади.

Француз тилидаги фразеологизмларнинг ўзига хослигини шакл ва мазмун муносабати нуқтаи назаридан куйидаги хосликлар орқали намоён бўлиши кўп кузатилади:

а) ҳар бир тилда, бошқа тилда турғун бирикма шаклидаги муқобили бўлмаган фразеологизмлар ҳам мавжуд, масалан: Француз тилидаги «Il veut mieux tendre la main que le cou» (сўзма-сўз таржимаси “Бўйинни чўзгандан кўра кўлни чўзган яхши, рус тилида эса “Лучше протянут руку, чем шею”) ПФлари шулар жумласидандир. Умумий маъноси “Ўғирлик қилгандан кўра, тиламчилик қилиб яшаган яхшроқдир” маъносини англатади.

б) бир хил маънодаги ФБлар образлилиги, структураси жиҳатидан мос келиши мумкин, лекин лексик таркибига кўра фарқланади: - *faute des grives on mange des mères*; на безрыбье и рак рыба; булбул йўқ жойда қарқуноқ ҳам булбул. *Bouche de miel, coeur de fiel*; Тили бошқа, дили бошқа.

в) француз тилидаги ПФлар таркибида «соматизм»лар, яъни инсон тана аъзоларига доир лексик бирликлар ўзбек ва рус тилларидаги муқобиллари нисбатан кўпроқ иштирок этади: Жумладан, Француз тилидан “*Cela ne lui rend pas la jambe bien faite*” ПФида “оёқ” тана аъзоси ишлатилган бўлса, ўзбек ва рус тилларидаги муқобилларида ушбу ҳолат кузатилмайди. “Холва деган билан оғиз чучимас”, ёки рус тилида “Ему от этого не легче”.

Французларда “*Quand on lui demande qch, il semble qu'on lui arrache le dent*” мақолида “**тиш**” соматизми орқали ишлатилган бўлса, ўзбек тилида “Қишда қор сўрасанг бермайди”, ёки рус тилида “Ему лучше с жизнью расстаться чем отдать что-либо” муқобилларида соматик белгилар ишлатилмаяпти.

L'appetit vient en mangeant, Appetit приходит во время еды, Иштаҳа овқат пайтида келар иборалари тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам ишлатилади. Бажарган ишнинг натижаси доимо кўриниб турса, ишлашга ёки ўқишга бўлган иштаҳа янада ошаверади. Генрих III, (1589 йилдан бошлаб Франция қироли, қиролликдаги Бурбонлар сулоласининг асосчиси)нинг тарбиячиси Аннот катта бойликка эга бўла туриб, подшодан яна бир талай нарсаларни беришни сўрайди. Ушбу фош этилган очкўзлигини яшириш учун ва кечирим сўраш мақсадида у шоҳга жаноб шоҳ «*L'appetit vient en mangeant*» дейди, шундан кейин мазкур ибора халқ орасида кенг ёйилиб аста-секинлик билан провербиал фразеологизм сифатида ишлатила бошлади. Метафорик бўёқдорликка эга. Ҳозирда кўпроқ таом истеъмол қилиш пайтида тўғри маънода бошқа ҳолатларда эса кўчма маънода ишлатилади. Ушбу ибора рус

тилига Франсуа Рабленинг "Гаргантюа и Пантагрюэль" романи орқали "Аппетит приходит во время еды" кўринишида кериб келган. Михаил Шолохов "Поднятая целина" – "Очилган кўрик" асарида ушбу иборани усталик билан ишлатган: *А традиции? Славные традиции русской армии, вы про них забыли? Но ничего. Вы только начните по приказу тех, кто думает за вас, а там... А там - аппетит приходит во время еды! Надеюсь видеть вас, господин есаул, ещё генерал-майором*"(6).

Le charbonnier est le maitre chez soi. Сўзма-сўз таржимаси: *Кўмирчи ҳам ўз уйида хўжайин.* – Ҳамма ўзининг уйида хўжайин. Бу мақолнинг келиб чиқиши француз қироли Франциско I (1494–1547) ҳаётидан олинган. Бир куни қирол ов пайтида йўлда адашиб, бир кўмирчининг уйига келиб қолади. Кўмирчининг ўзи йўқ экан, лекин хотини меҳмонни яхши кутиб олади. Уй эгасини кутиш мақсадида, қирол кўмирчи ўтирадиган стулга жойлашиб ўтириб олади. Кеч тунда ишдан чарчаб қайтган кўмирчи, қирол билан саломлашади ва жойини бўшатиб беришини сўрайди ва қиролга: «Ҳамма ўз уйида ўзи хўжайин» деб айтади. Қирол бу гапни маъқуллайди ва кўмирчига жойини бўшатиб беради. Шундан сўнг ушбу ибора ҳаммабоб кўп қўлланиладиган ПФлар таркибига кириб кетган. Балзакнинг "Дехқонлар" асарида олинган парчада ушбу ибора маҳорат билан қўлланилган. Ех: *Veux-tu bien me montrer tes talons, Vatel ?... Verbalise et saisis sur le chemin, tu es la chez toi, brigand ; mais sort d'ici. Ma maison est à moi, peut-être ! Charbonneur est maitre chez lui...* (Balzac, *Les paysans*)(7).

Ўзбек тили нақадир бой тил. Унинг имкониятлари миллий-маданий хусусиятларни ифодаладиган сўз, гап, сўз бирикмалари, мақоллар, фразеологик бирликлар, афоризмлар француз ва рус тилларидаги мавжуд бундай ифода шаклларида кўп кам эмас. Алишер Навоий ўз даврида туркий тилнинг бойлиги ва афзал жиҳатларига далил сифатида туркий халқлар томонидан қўллайдиган сўзларни келтириб, бу тилнинг имкониятлари ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга имкон яратади. Масалан, отларнинг ёши ва зотига қараб *қулун, той, гўнон, дўнон, тўлан, тўбучоқ, аргумоқ, яка, ёбу* шаклида ишлатилишининг таъкидланиши эътиборли. Ўрдакларни номлашда *жўрки ва эрка, суқтур ва олмабош чақирқанот ва темирқанот, алапака ва богчол* каби атамалар қўлланилган(8, Б.4). Орадан икки аср ўтиб, француз адиби Франсуа Рабленинг "Гаргантюа ва Пантагрюэл" асарида 153 хил ўйин, 138 хил овқат, 98 хил илон номини француз тилидан топиб ишлатиши, Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн"да тутган йўлига ўхшашлигини

Пиримкул Қодиров “Тил ва эл” китобида айтиб ўтган. Демак, ўзбек ва француз тилларидаги сўзларни қиёсий ўрганиш бўйича тадқиқотлар XIV–XV асрларда бошланган.

Фақат ўзбек халқи ҳаётини, турмуш тарзини, дунёқарашини, урф-одатларини ифодаловчи провербиал фразеологизмлар – бу ўз халқи мақоллари орасидаги миллий паремиологик қатлам ҳисобланади. Бу қатламга мансуб мақол ва маталларнинг миллий ўзига хослиги – бевосита ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ва маиший ҳаётини акс эттиришда, ўзбекларга оид топонимика, ўсимликлар, ҳайвонларнинг иштирок этишида, ўзбек халқига хос характер, хислатларнинг ифодаланишида, урф- одатлар ва маросимларнинг мавжудлиги ҳамда адабий-бадиий тилидадир. Ўзбек тилидаги мақол, матал ва иборалар миллий-маданий хусусиятларига боғлаб охиригача тўлиқ ўрганилган, деб бўлмайди. Ўрганилгани сайин уларнинг очилмаган қирраларини топиш мумкин. Ўзбек тилида халқнинг миллий-маданий хусусиятларини ифодоловчи ПФлар асрлар оша одамлар оғзидан-оғзига ўтиб, нутқимизга жило бериб келмоқда. Жумладан, *Бош омон бўлса дўппи топилади* ибораси таркибидаги миллий бош кийими бўлмиш «дўппи» компоненти орқали миллийлик акс эттирилмоқда. Дўппи кийиш учун бош омон бўлиши керак. Кўчма маънода “ташвишланма, жафо чекма, бу гал ютқазган бўлсанг, кейинги сафар ютасан, жонажон рўзғорингдан айрилдинг, надомат чекма, ғариб бошинг омон бўлса дўппи топилиб, ишли рўзғорли бўласан”, каби далда берувчи ибора тарзида ишлатилади. Таваккал, шаҳд маънолари ҳам бор.

Дўппини ол деса бош олмоқ иборасида икки томонлама миллийлик сезилади. Биринчидан, «дўппи» компоненти бўлса, иккинчидан ушбу провербиал фразеологизм маъно жиҳатидан ўзбек миллатининг маълум маънодаги характерини кўрсатади. *Дўпписини осмонга отмоқ* ибораси, асосан, ўзбекларга хос бўлиб, унинг ўрнига кепкасини ёки шляпасини осмонга отмоқ кўринишида ишлатиб бўлмайди. Шунингдек, *Бош ёрилса дўппи ичида, қўл синса-енг ичида* мазмунидаги мақолда дардини бировга дoston қилишга ийманадиган, камтарлик хислатига эга бўлган миллатнинг характери дўппи компоненти орқали миллийлик акс эттирилган. *Атласни кўрмоқ бор, киймоқ йўқ* ибораси “Кўрмоқ бор, емоқ йўқ” мақолидан миллийлаштириб ўзгартирилган фразеологик бирлик сифатида, атлас ҳам миллий мато сифатида ҳаммага таниш.

Рус тилидаги провербиал фразеологизмларда ҳам миллий-маданий хусусиятлар ўзига хос қирралари орқали намоён бўлади. Рус маданиятшуноси

В.Н. Сагатовский (11, Б.168) рус характерни *олдидан айтиб бўлмастик, маънавиятлилик, самимийлик, кучларни тўплай олиши*, одатда, бу кучлар *бўшашиши, ичкилик, чекиши, дардини достон қилиши, бўш характерлик* каби ёмон иллатларга алмашиб ҳам кетиши мумкин, деб ёзади. Унингча, бугунги кунгача *рус миллий характери муаммоси ечилмаган*, яъни *бўш характерли ва олий қаҳрамонлик* ўртасида иккиланиш давом этмоқда. Руслар ҳақида кўп манбаларда “жумбоқли” ва “тушуниб бўлмайдиган” характерли миллат эканлиги қайд этилган.

Русларнинг миллий характери ҳақида хорижликлар баъзида ижобий баъзида салбий бўлган фикрларини билдирадilar. Жумладан, Уинстон Черчилл *“Россия бу топишмоқ ичидаги сирга ўралган бошқотирмадир”* деган эди. Рус тилида “душа” сўзи бошқа миллатлардаги, масалан, ўзбек тилидаги “кўнгил” ёки инглиз тилидаги “soul” сўздан юқорироқ ҳисобланади. Рус халқи учун маънавият, рух, жон, юрак, кўнгил тушунчалари биринчи навбатда, миллий менталитетни англатувчи сўзлар ҳисобланади. Инглизларда эса аксинча “соғлом фикр ҳазрати олийлари” ғояси юқори ўринда туради.

Ҳақиқатгўйлик – рус миллий сиймосининг ички маънавий дунёсидир. Бу мазкур иборалар орқали кенгрок намоён бўлади. *За правду Бог и добрые люди. Не в силе Бог, а в правде. Правда – свет разума. Кто за правду горой, тот истинный герой. На правду нет суда. Без правды веку не изживёшь.*

Рус халқи *чидамли ва бардошли*, омадсизликка дуч келганда ўзини йўқотиб қўймайди. Сабр, бардош улар учун муҳимдир. Ушбу ПФлар таърифимизнинг исботидир. *За терпенье даёт Бог спасенье. Век жить, век ждать. Век живи, век надейся. Терпи, казак, атаманом будешь. Подождём, а своё возьмём. Не потерпев, не спасёшься. Терпенье и труд всё перетрут.*

Ватанга муҳаббат ҳам рус миллатига хос бўлган характерлардан. *И кости по родине плачут (по преданию, в некоторых могилах слышен вой костей). Рыбам море, птицам воздух, а человеку отчизна вселенный круг. За отечество живот кладут (о воинах).* Инглизлар эса ўзларининг давлати тўғрисида *patriotic, motherland, fatherland* каби сўзларни ишлатмайдилар.

В.Сикевич (12) русларнинг автостереотипини ўрганиш учун халқ мақолларидан фойдаланиб, қизиқ натижаларга эришган. Унга кўра, сўровномада иштирок этган петербургликлар русларнинг характерини тасвирловчи у ёки бу мақолга муносабатларини (5 баллик тизимда) билдирган. Натижада энг юқори 4, 5 баллни *бепарволик, безамлик, узоқни кўролмаслик* маъносини англатувчи *Пока гром не грянет, мужик не перекрестится* ва

Русский мужик задним умом крепок мақоли, *кўникувчанлик, чидамлилиқ* маъносидаги *В каком городе живешь, того обычая и держись* мақоли 4,4 балл, *қатъиятлиқ* маъносидаги *Русский ни с мечом, ни с калачом не шутит* мақоли 3,9 баллни тўплаганини кўрсатган. Салбий қирраларни намоёиш этувчи *ароқхўрлик, дангасалиқ* маъносидаги *Руси есть веселие пити, не можем без того быта, Наши миряне — родом дворяне: работать не любят, а погулять не прочь* мақоллари ҳам таҳлиллар қаторидан ўрин олган.

После дождичка в четверг ибораси ҳеч қачон амалга ошмайдиган ишларга нисбатан ишлатилади. Келиб чиқиши славян мажусийлар, бутпарастларнинг момақолдиروқ худоси Перунга ишончсизлигига бориб тақалади. Славянлар пайшанба куни худодан ёмғир сўраб илтижо қилган, ҳамда ўша ибодатлари, вожиб бўлмаган, яъни ёмғир ёғмаганлигидан мазкур ибора пайдо бўлган. Шу боис амалга ошмайдиган бирор ишга нисбатан «после дождичка в четверг» дейилади. Рус шоири А.С.Пушкин ушбу тўртликда иккита синонимик иборани жуда ўринли ишлатган: *Смирдин меня в беду поверг; У торгаша сего семь пятниц на неделе, Его четверг на самом деле. После дождичка в четверг.*

Тише воды, ниже травы – *Сувдан тинч - ўтдан паст* ибориси эса ҳаддан ташқари жиддий, сокин ва бировга халақит бермайдиган одамга нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилида унинг қўйдек ювош, чумолига ҳам озор бермайдиган, қўй оғзидан чўп олмаган муқобиллари мавжуд. Рус халқ оғзаки ижодида сув ва ўт бир жуфтликни ташкил этади ва бу икки сўз бир ритмик жуфтликни ташкил қилади. Бу иборада асосий боғловчи звено бу семантика ҳисобланади. «Быль трава – небыль-вода». «Быль, что трава, небыль, что вода» мақолларида ўт – ҳақиқат, сув эса ёлгон, бўлмаган гапларга таққосланади. В.И.Даль – ушбу мақолларга аниқ изоҳ беради. *Быль, что трава* (ўсиб оёқни ўраб олади), *небыль, что вода* (оёққа юкмайди, қочиб кетади) маъносида ишлатилган. Мана шундан «ўтнинг» сифати яхши маъносида яна ойдинлашади. «Ўт»дан паст дейилганда «ўт»нинг албатта одам бўйи баробари ҳам бор, бу ерда халқ оғзаки ижодидаги «вазн», символик маънода тушунилади. «Сувдан-тинч» деганда, «сув» ҳам рамзий маънода. У тинч, босиқ, тоза, силлиқ кўзгу ва бир вақтнинг ўзида чуқур, вайрон қилувчи, хавфли офатдир. Шундай қилиб, «Тише воды – ниже травы» маталида сув – тинч маъносида, ва ўт эса паст маъносида ишлатилган(13 Б.13-14) ва ушбу ПФни этимологик жиҳатдан инсон характерини ифодаловчи ПФлар қаторига киритиш мумкин.

Учта тилда мавжуд бўлган ПФларнинг тарихи ва манбаларини ўрганиш жараёнида ўзбек тилига рус тилидан ўзлаштирилган ва ўз навбатида ушбу ибора рус тилига француз тилидан ўзлаштирилганлиги каби ҳолатлар ҳам маълум бўлди. Фикримизни илова-мисоллар билан яқунлаймиз:

L'appetit vient en mangeant – Аппетит приходит во время еды – Иштаҳа овқат вақтида келади.

Mieux vaut tard que jamais – Лучшее поздно чем никогда – Ҳечдан кўра кеч яхши.

A la guerre comme à la guerre – На войне как на войне – Уруида туриш йўқ.

Après nous le déluge – После нас хот потоп – Биздан кетгунча, эгасига етгунча.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Paulan Jean. Dictionnaire des proverbes et dictons. Robert. 345p.
3. Jean de La Fontaine, Fables, Le Renard et les Raisins. – Poshe, 2002.
4. Пизани В. О задачах этимологического анализа в целом. Этимология. – М., 1956.
5. Кармин А.С. Культурология. – Санкт Петербург, 2003.
6. Назарян А.Г. История развития французской фразеологии. – М., 1981.
7. Назарян А.Г. Почему так говорят по-французски? – М., 1968.
8. Қодиров П. Тил ва эл. – Т., 2010,
9. Ҳайдаров Б. Ўзбекчилик. – Тошкент, 2012.
10. Шомақсудов Ш, Шарахмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2001.
11. Сагатовский В. Русская идея: продолжим ли прерванный путь. – СПб., 1994.
12. Сикевич З. В. Русские: образ народа. – СПб., 1996.
13. Молотков А.И. Фразеологический словарь русского языка. – М., 1986.